САНЪАТ ТАЪЛИМИ: ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ЗАМОНАВИЙ МЕТОДЛАР

Наргиза Хасанова Сагдуллаевна
Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, Музейшунослик кафедраси доценти, с.ф.ф. доктори (PhD)

Аннотация. *Мақолада тасвирий санъат таълимида қўлланилаётган инновацион педагогик технологиялар ва замонавий методлар тизимли таҳлил қилинади. Лойиҳавий таълим, STEAM ёндашуви, рақамли воситалар, муаммоли таълим, «тескари синф» модели ва портфолио баҳолаш тизими каби замонавий усулларнинг тасвирий санъат фанини ўқитишдаги самарадорлиги ёритилган. Шунингдек, инновацион методларни амалиётга татбиқ этишдаги мавжуд муаммолар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *тасвирий санъат таълими, инновацион педагогик технология, лойиҳавий таълим, STEAM ёндашуви, рақамли воситалар, муаммоли таълим, портфолио баҳолаш.*

Аннотация*. В статье проведён системный анализ инновационных педагогических технологий и современных методов, применяемых в образовании по изобразительному искусству. Освещена эффективность таких подходов, как проектное обучение, STEAM-подход, цифровые инструменты, проблемное обучение, модель «перевёрнутого класса» и система портфолио-оценивания. Выявлены проблемы внедрения инновационных методов в практику и разработаны предложения по их преодолению.*

Ключевые слова: *образование в области изобразительного искусства, инновационные педагогические технологии, проектное обучение, STEAM-подход, цифровые инструменты, проблемное обучение, портфолио-оценивание.*

Abstract. *The article systematically analyzes innovative pedagogical technologies and modern methods used in fine art education. It highlights the effectiveness of approaches such as project-based learning, the STEAM approach, digital tools, problem-based learning, the flipped classroom model, and portfolio assessment in teaching fine arts. The study also identifies challenges in implementing innovative methods in practice and offers recommendations for overcoming them.*

Keywords: *fine art education, innovative pedagogical technologies, project-based learning, STEAM approach, digital tools, problem-based learning, portfolio assessment.*

Кириш

Замонавий таълим тизимида тасвирий санъат нафақат эстетик тарбия воситаси, балки ўқувчи ва талабанинг ижодий тафаккурини, фазовий тасаввурини, мустақил фикрлаш ва муаммо ечиш қобилиятини ривожлантирувчи муҳим педагогик восита сифатида аҳамият касб этмоқда. Рақамли технологиялар асрида тасвирий санъат таълими ҳам анъанавий методлардан инновацион ёндашувларга томон эволюция босқичини бошдан кечирмоқда.

Мавзунинг долзарблиги шундаки, анъанавий, фақат нусха кўчириш ва техник маҳоратга асосланган ўқитиш усуллари бугунги кун талабаларининг ижодий салоҳиятини

тўлиқ очиб бера олмайди. Замонавий педагогика талабага тайёр билим беришдан кўра, унинг мустақил изланиш, таҳлил қилиш ва ижодий ечим топиш қобилиятини шакллантиришга йўналтирилган бўлиши лозим.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Бадиий таълимнинг методологик ва назарий асослари хорижлик олимлар Н.Молева, С.Даниэль, С.Капланова, А.Зайцев томонидан, педагогик асослари амалий жиҳатдан Э.Белютин, А.Ашбе, Н.Волков, А.Зайцев, Г.Смирнов, Г.Беда ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Шунга қарамай, тасвирий санъат таълимида инновацион педагогик технологияларни тизимли жорий этиш масаласи республика миқёсида алоҳида, чуқур тадқиқотни талаб этади – бу мазкур мақоланинг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқот методологияси. XXI асрда бадиий таълим методологияси бир нечта асосий жиҳатларни ўз ичига олади. Замонавий санъат таълими дастурлари академик бадиий таълим (рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графика) янги дастурлар асосида, мультимедиа ва дизайн технологиялари каби янги ёндашувлар интеграцияси билан бирлаштиради. Бу ўқувчиларда замонавий дунёда долзарб бўлган кўникмаларни шакллантириш имконини беради.

Таълим мобайнида талаба академик бадиий таълим қонун-қоидалари ва назарий асослари, жисм ва жуссаларнинг конструктив тизими қонуниятлари, ёруғ соялар, рангшунослик, композиция (лойиҳалаш) қонун ва қоидаларини ўзига сингдирган ҳолда ижодий фаолиятида фойдаланиши ва кўникмалар тарзида уларни ўзида шакллантириши талаб этилади. Натурани бадиий кўриш ва анализ қила билиш кўникмаси ҳамда ўз ўқув топшириғини натура билан солиштирган ҳолда тасвирланиши билан бир қаторда, узоқ ва қисқа муддатли иш жараёнини бажариш кўникмасини эгаллаши ҳамда яхлитликдан деталларга, деталлардан яхлитликка тариқасида иш жараёнини юрита билиши, шу билан бир қаторда ёш рассомда бадиий ижодиётнинг муҳим бир жиҳати бўлган тасвирланаётган инсоннинг психологик ҳолати, ҳиссиёти, кайфияти ва фикр доираси, яхлит олганда эса, қаҳрамоннинг психологик дунёсини кўрсата билиши талаб этилади. Бадиий таълим методикасида мақсадларни аста-секин мураккаблаша бориши ва ҳар бир вазифани мукаммал очиб берилиши, яъни қандай бошлаш, сўнгра нима ишларни бажариш ва қандай тугаллашни ўрганишнинг аҳамияти беқиёс. Бунда айтилганлар ўқув жараёнининг барча даврларида, унинг илк қадамларида ҳам ва унинг якунида ҳам бирдай аҳамият касб этади.

Бўлажак рассом учун профессионал маҳорат кўникмаларини эгаллаш бадиий таълим олдига қўйилган талабларнинг асосийси, аммо бу жараёнда шубҳасиз иқтидорнинг аҳамияти беқиёс. Бадиий таълимда профессионал фаолият билан шуғулланишдаги муваффақият, аввало иқтидорни ривожлантириш билан боғлиқдир. Умуман, инсоният ўзининг маданий ривожи мобайнида ҳозирги давр даражасига эришуви қобилият, иқтидор, истеъдод, талант даражасидаги сифатларининг натижасидир. Ушбу жараёнда Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти Ўзбекистондаги ягона ихтисослашган олий бадиий таълим даргоҳи сифатида – соҳада фаолият юритаётган бошқа олий таълим муассасалари орасида ўз мавқеи ва рейтингини сақлаб, етакчилик қилиб келмоқда. Аммо таълим муассасасида инновацион методларни жорий этишда моддий-техник таъминот, педагог кадрларнинг рақамли воситалардан фойдаланиш бўйича малакасини ошириш зарурати, ўқув дастурларининг инновацион методларга мослаштириш, амалий машғулотларда STEAM ёндашуви асосида фанлараро

интеграцияни кенгайтириш, санъат таълимини замонавийлаштириш, техник воситаларни янгилаш ва педагогик тафаккурни ҳам ўзгартиришни талаб қилмоқда.

Таҳлил ва натижалар. Бугунги кунда тасвирий санъат таълимида қўлланиладиган инновацион педагогик технологияларни тизимлаштириш, уларнинг афзаллик ва чекловларини аниқлаш ҳамда амалий машғулотларга татбиқ этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш хар қачонгидан ҳам муҳим вазифа ҳисобланади. Бу жараёнда тадқиқотда педагогик адабиётларни таҳлил қилиш, қиёсий таҳлил, кузатиш ва умумлаштириш шунингдек, маҳаллий ва хорижий тажриба (STEAM ёндашуви, лойиҳавий таълим, рақамли воситалар)ни қиёсий ўрганиш талаб этилади. Ана шундай ёндошувларни таҳлили ва амалиётга жорий қилиш орқали таълим тизимида самарадорликни ошириш мумкин. Улар:

Лойиҳавий (проект) технология. Лойиҳавий таълим талабани якка ёки гуруҳ таркибида реал ёки шартли бадиий муаммони ҳал этишга йўналтиради. Бу усулда талаба ғоядан тайёр асаргача бўлган йўлни мустақил босиб ўтади: муаммони аниқлаш, концепция ишлаб чиқиш, эскиз чизиш, материални танлаш ва якуний асарни тақдим этиш. Лойиҳавий технология тасвирий санъат таълимида, айниқса композиция ва амалий-безак санъати фанларида юқори самара беради, чунки у назарий билимни амалиёт билан узвий боғлайди.

STEAM ёндашуви. STEAM (Science, Technology, Engineering, Art, Mathematics) – тасвирий санъатни аниқ фанлар билан интеграциялашган ҳолда ўқитиш модели. Масалан, ранг назариясини физика (ёруғлик спектри) билан, перспективани геометрия билан, рақамли иллюстрацияни дастурлаш асослари билан боғлаш талабанинг фанлараро тафаккурини кенгайтиради ва санъатни «қуруқ назария» эмас, балки ҳаётий зарурат сифатида идрок этишига ёрдам беради.

Рақамли технологиялар ва визуал воситалар. График планшетлар, расм солиш дастурлари (Procreate, Adobe Fresco, Krita кабилар), виртуал музей экскурсиялари ва 3D-моделлаштириш замонавий тасвирий санъат таълимининг ажралмас қисмига айланмоқда. Бу воситалар талабага классик асарларни юқори аниқликда ўрганиш, рангтасвир техникаларини хавфсиз ва иқтисодий шароитда машқ қилиш ҳамда ўз ишларини рақамли портфолио шаклида тўплаш имконини беради.

Муаммоли (проблемали) таълим. Бу методда талабага тайёр ечим берилмайди – унга бадиий муаммо ёки вазият тақдим этилади, талаба эса мустақил изланиш орқали ечимга келади. Бу ёндашув ижодий мустақиллик ва танқидий тафаккурни ривожлантиради.

Ҳамкорликдаги таълим ва «тескари синф» модели. Назарий материални талаба дарсдан ташқарида мустақил ўзлаштиради, аудитория вақти эса амалий машқ ва муҳокамага бағишланади. Бу модель амалий машғулот вақтидан самарали фойдаланиш имконини беради.

Портфолио ва рефлексив баҳолаш тизими. Анъанавий бир мартали баҳолаш ўрнига талабанинг бутун ўқув даври мобайнидаги ижодий ривожланишини кузатувчи портфолио тизими тавсия этилади. Бунда талаба ҳар бир иш якунида ўз-ўзини баҳолайди, бу эса метакогнитив кўникмаларни шакллантиради.

Замонавий бадиий таълимнинг муҳим элементи ҳар бир ўқувчининг индивидуал эҳтиёжларига эътибор беришдир. Бу ўз навбатида асрлар давомида шаклланиб келган бадиий таълим жараёнида устоз-шогирд ўртасидаги индивидуал мулоқотга янада аҳамият

бериш кераклигини таъкидлайди. Замонавий педагогика нафақат техник кўникмаларни эгаллашга эмас, балки ижодий қобилиятларни ривожлантиришга қаратилган. Бу шахсиятнинг ҳиссий томони билан ишлаш, кўриш ва ҳис қилиш қобилиятини, шунингдек, буни санъат орқали ифодалашни ўрганишни ўз ичига олади.

Сўнгги ўн йилликларда ўқувчиларга ҳаётий муаммолар устида ишлаш, олинган билимларни қўллаш ва ижодкорликни ривожлантириш имконини берувчи лойиҳа усули кенг қўлланилмоқда. Бу санъат асарини яратиш ёки маданий лойиҳалар, кўргазмалар ва танловларда иштирок этиш орқали таъминлаш мумкин.

Замонавий санъат тобора кўпроқ фанлараро алоқадор бўлиб бормоқда ва таълим буни акс эттириши керак. Санъат таълими фалсафа, психология, технология ва ҳатто тадбиркорлик каби соҳалар билан тобора кўпроқ кесишмоқда. Бу талабаларга дунё ҳақида кенгроқ тасаввурни ривожлантиришга ва ўзгарувчан шароитларга мослашишга ёрдам беради.

Бадиий таълимнинг назарий асослари бир нечта асосий тушунчаларни ўз ичига олади. Бадиий таълим маданий ва тарихий анъаналар билан боғлиқ бўлиши кераклигини ҳисобга олиш муҳимдир. Ўқув жараёни талабаларга нафақат кўникмаларни эгаллашга, балки маданий меросни тушуниш ва қадрлашга, унинг ташувчиси ва трансформаторига айланишга ёрдам беради.

Хулоса ва таклифлар. Моҳиятан, К.Беҳзод Миллий рассомлик ва дизайн институти ва юртимиздаги педагогик йўналишдаги институт ва университетлардаги ўқув жараёни мобайнида талабалар бадиий таълимнинг методикаси ва назариясини чуқур эгаллаган ижодкор шахслар бўлиб етишишлари талаб этилади.

Олий бадиий таълим (К.Беҳзод Миллий рассомлик ва дизайн институти ва юртимиздаги Педагогик йўналишдаги институт ва университетлар) тизимида бадиий саводхонликнинг назарий асослари мавжуд анъана доирасида юзаки амалий машғулотлар мобайнида қисқагина маъруза ёки суҳбат тарзида юритиб келинган. Ушбу маърузалар кўп ҳолларда мутахассислик фанлари ўқитувчилари ўзлари англаган даражада таълим соҳалари назарий жиҳатлари доирасида олиб борилар эди. Оқибатда, бадиий саводхонликнинг назарий асослари ўқув курси юқорида кўрсатилганлар доираси билан чекланиб қолмоқда. Ваҳоланки, бўлғуси рассом бадиий таълим мобайнида тасвирий санъатга доир ашёлар, пластик анатомия, ҳаво ва чизиқли перспектива, композиция ҳамда айрим ихтисосликларда эса лойиҳалашга доир билимлар эгаллаши лозимлиги белгиланган.

XXI аср санъат таълимига эътибор танқидий ва таҳлилий ёндашувни ривожлантиришга ўтмоқда. Бу нафақат бадиий асарлар яратиш, балки уларни талқин қилиш, таҳлил қилиш ва маданий ҳодисаларни идрок этиш қобилиятини ҳам ўз ичига олади.

Замонавий санъатда ижтимоий масъулият муҳим ўрин тутади. Бадиий таълим ўқувчиларда санъат яратилган ижтимоий, сиёсий ва экологик шароитларни ҳисобга олиш қобилиятини ривожлантириши керак. Бадиий таълим назарияси рассомнинг ижтимоий жараёнларнинг фаол иштирокчиси бўлиши мумкинлиги ва бўлиши кераклигига эътибор қаратади.

Инновацион технологияларни татбиқ этишдаги муаммолар ҳақида тўхталинадиган бўлсак, Республика олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида инновацион методларни жорий этишда қуйидаги муаммолар моддий-техник таъминотнинг етарли эмаслиги,

педагог кадрларнинг рақамли воситалардан фойдаланиш бўйича малакасини ошириш зарурати, ўқув дастурларининг инновацион методларга мослаштирилмаганлиги, баҳолаш мезонларининг ижодий жараённи эмас, фақат якуний натижани ҳисобга олиши кабилар ўз ечимини топиши керак масалалардан ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, тасвирий санъат таълимида инновацион педагогик технологияларни жорий этиш талабанинг нафақат техник маҳоратини, балки ижодий тафаккури, мустақил изланиш қобилияти ва фанлараро боғлиқликни англаш даражасини оширади. Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

Ўқув дастурларига лойиҳавий ва муаммоли таълим элементларини босқичма-босқич киритиш;

педагог кадрларни рақамли воситалар бўйича мунтазам малака ошириш курсларига жалб қилиш;

баҳолаш тизимини якуний натижа билан бирга ижодий жараённи ҳам ҳисобга оладиган тарзда қайта кўриб чиқиш;

амалий машғулотларда STEAM ёндашуви асосида фанлараро интеграцияни кенгайтиришдан иборат. Бу эса ўз навбатида тасвирий санъат таълимини замонавийлаштириш нафақат техник воситаларни янгилаш, балки педагогик тафаккурни ҳам ўзгартириш жараёнидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Молева Н.М. Выдающиеся русские художники-педагоги. – М.: Просвещение, 1991.
2. Даниэль С.М. Картина классической эпохи. – Л.: Искусство, 1986.
3. Капланова С.Г. От замысла и натуры к законченному произведению. – М.: Изобр. иск., 1981.
4. Зайцев А.С. Наука о цвете и живопись. – М.: Искусство, 1986.
5. Белютин Э.М. Начальные сведения о рисунке. – М.: Искусство, 1954.
6. Молева Н.М., Белютин Э.М. Школа Ашбе. – М.: Искусство, 1958.
7. Волков Н.Н. Композиция в живописи. – М.: Искусство, 1977.
8. Зайцев А.С. Наука о цвете и живопись. – М.: Искусство, 1986.
9. Смирнов Г.Б. Живопись. – М.: Просвещение, 1975.
10. Беда Г.В. Живопись. – М.: Искусство, 1971.
11. Булатов С.С. Народное декоративно-прикладное искусство Узбекистана в эстетическом воспитании школьников: дисс. … канд. пед. наук. – М., 1993; Хасанов Р. Содержание, формы и методы художественного образования и воспитания учащихся общеобразовательных школ Узбекистана (на основе материалов национальных художественных традиций узбекского искусства): дисс. … канд. пед. наук. – Ташкент, 1995; Байметов Б.Б. Основы изучения национального орнамента и методика его обучения на художественно-графических факультетах педагогических институтов (на материале Республики Узбекистан): дисс. … канд. пед. наук. – М., 1992.